

V. ХИЗМАТЛАР


1- БЎЛИМ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Жаҳон иқтисодий ривожланишининг асосий тенденцияларидан бири бу иқтисодий ўсиш ва миллий иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти ошиши ўртасидаги яқин муносабатдир. Бу хизматларни ривожлантиришга йўналтирилган меҳнат ва молиявий ресурслар улушининг ўсишида намоён бўлади.

Жамият ривожланиб, ишлаб чиқариш кучлари кучайиб борар экан, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам ўзгариб бормоқда: ушбу соҳада бандлик кўпаймоқда, меҳнатнинг техник жиҳозлари яхшиланмоқда ва замонавий технологиялар жорий этилмоқда.

Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар

1 октябрь ҳолатига кўра фаолият кўрсатаётган (бирликда)




2024 йил январь-сентябрь ойларида хизматлар соҳасида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони 42 524 бирлик ёки уларнинг умумий сонининг 65,9 % и (64 553 бирлик) даражасида қайд этилди.

2024 йилнинг таҳлил қилинаётган даврида хизматлар соҳасида янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 40 530 нафарга ёки улар умумий сонининг 95,3 % ига етди.

2024 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, мамлакатда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сони 466 442 бирликка етди. Хизматлар соҳасида 335 908 бирлиги жалб этилган бўлиб, умумий сонининг 72,0 % ини ташкил этди.

Хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг умумий сонидан кичик тадбиркорлик субъектлари 80,5 фоизни ёки 270 513 бирликни ташкил этди.

1 октябрь ҳолатига кўра кичик тадбиркорлик субъектлари (бирликда)



2- БЎЛИМ. ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Хизматлар соҳаси бу – корхоналар, ташкилотлар, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган турли хил хизмат турларини такрор ишлаб чиқаришни ўз ичига олган умумлаштирувчи категориядир.

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми маълум вақт давомида истеъмолчиларга (юрidik ва жисмоний шахслар, норезидентларни қўшган ҳолда) кўрсатилган хизматлар қийматини акс эттиради.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида бозор хизматларининг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 36,9 %, яъни 208 611,5 млрд сўмни ташкил этди. 2023 йилга нисбатан ушбу ҳудуднинг ўсиш суръати 117,0 % га етган.

Сирдарё вилоятида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 7 859,8 млрд сўмни ёки жами хизматлар ҳажмининг 1,4 % ини ташкил этди. Ўсиш суръати 110,1 % га етди.

Ҳудудлар кесимида кўрсатилган хизматларнинг асосий кўрсаткичлари (январь-сентябрь) ¹⁾

	Хизматлар ҳажми, млрд сўмда		Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
	2023 й.	2024 й.		
Ўзбекистон Республикаси ²⁾	448 484,4	564 777,7	100,0	112,8
Қорақалпоғистон Респ.	15 543,7	19 647,1	3,5	111,2
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	23 011,3	28 536,1	5,1	112,9
Бухоро	19 278,6	23 781,7	4,2	112,1
Жиззах	10 950,4	13 719,2	2,4	113,2
Қашқадарё	23 669,4	29 334,0	5,2	110,3
Навоий	11 276,4	13 802,1	2,4	111,2
Наманган	23 466,2	29 247,7	5,2	112,1
Самарқанд	31 815,7	39 780,3	7,0	112,6
Сурхондарё	15 966,0	19 619,8	3,5	110,2
Сирдарё	6 437,4	7 859,8	1,4	110,1
Тошкент	31 233,3	38 838,4	6,9	112,6
Фарғона	30 283,9	37 731,7	6,7	111,9
Хоразм	15 222,7	19 164,5	3,4	112,6
Тошкент шаҳри	161 032,0	208 611,5	36,9	117,0


¹⁾ Ушбу ҳолатда ва кейинги ўринларда 2020-2023 йиллар учун аниқлик киритилган маълумотлар келтирилган. 2023 йил ҳажми ва 2024 йил маълумотлари яширин иқтисодий ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган.

²⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда.

“Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми” кўрсаткичи аҳолининг ўртача доимий сонининг ўзгаришига нисбатан мамлакатда кўрсатилган хизматларга статистик баҳо беради ва аҳоли фаровонлиги даражасини баҳолашда фойдаланилади.

Хизматлар ҳажми аҳолининг ўртача доимий сонига нисбати сифатида ҳисобланади.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми ва ўсиш суръатлари (январь-сентябрь)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 15 232,3 минг сўмга етди. 2023 йилнинг таҳлил қилинаётган даврига нисбатан ўсиш суръати 110,5 фоизни ташкил этиб, ҳажми эса 10 679,6 минг сўмга ошди.

Энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида қайд этилган – 67 993,7 минг сўм. Бу ҳудудда ўсиш суръати 114,1 фоизни ташкил этди.

Худудлар кесимида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми ва ўсиш суръатлари (2024 йил январь-сентябрь)

Тошкент ш.	67 993,7	◆◆◆◆◆	114,1
Навоий	12 749,1	◆◆◆◆◆	109,2
Тошкент	12 637,4	◆◆◆◆◆	110,4
Бухоро	11 565,9	◆◆◆◆◆	110,3
Қорақалпоғистон Респ.	9 762,0	◆◆◆◆◆	109,7
Хоразм	9 542,6	◆◆◆◆◆	110,5
Наманган	9 463,1	◆◆◆◆◆	109,6
Самарқанд	9 378,0	◆◆◆◆◆	110,2
Фарғона	9 219,5	◆◆◆◆◆	109,6
Жиззах	9 032,3	◆◆◆◆◆	110,9
Сирдарё	8 539,5	◆◆◆◆◆	108,1
Андижон	8 343,9	◆◆◆◆◆	110,6
Қашқадарё	8 172,2	◆◆◆◆◆	107,9
Сурхондарё	6 759,6	◆◆◆◆◆	107,5


■ Ҳажми, минг сўмда ◆◆◆◆◆ Ўсиш суръати, % да

Хизматлар соҳасида кичик тадбиркорлик

Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Хизматлар соҳасида кичик тадбиркорлик ҳажми ва ўсиши (камайиши) (январь-сентябрь)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 313 805,5 млрд сўмга тенг бўлиб, бозор хизматларининг умумий ҳажмида уларнинг улуши 55,6 % ни, шу жумладан 35,6 % кичик корхона ва микрофирмалардан иборатдир. Худудлар орасида Тошкент шаҳрининг хизматлар соҳасида банд бўлган кичик тадбиркорлик ҳажмидаги улуши 26,8 % га етди.


Худудлар кесимида хизматлар соҳасидаги кичик тадбиркорлик ҳажми ва ўсиши (2024 йил январь-сентябрь)



3- БЎЛИМ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Хизмат кўрсатиш соҳаси замонавий иқтисодиётнинг ажралмас элементи бўлиб, унинг барқарорлиги, диверсификацияси ва жаҳон миқёсида рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Халқаро экспертларнинг фикрича, хизмат кўрсатиш соҳаси жаҳон иқтисодиётининг салмоқли қисмини қамраб олади.

Хизматларнинг ЯИМдаги улуши (январь-сентябрь, % да)




2024 йил январь-сентябрь ойларида хизматларнинг ЯИМдаги улуши 47,2 % ни ташкил этди. 2020 йилнинг мос даврига нисбатан бу кўрсаткич 4,7 ф.п.га ошди.

Хизматлар бу – истеъмолчилар (юридик ва жисмоний шахслар)нинг ҳолатини ўзгартирадиган ёки товарлар, хизматлар ва молиявий активлар билан айирбошлашига кўмаклашадиган ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаси ҳисобланади.

Бозор учун ишлаб чиқарилган хизматлар олди-сотди объекти сифатида чиққанда ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган (хизматларни ишлаб чиқарувчининг сарф-харажатларини тўлалигича ёки сезиларли даражада қоплайдиган) нархларда сотилганда ҳисобланади.

Республика бўйича кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми ва ўсиш суръатлари (январь-сентябрь)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2024 йил январь-сентябрь ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 564 777,7 млрд сўмга етди. 2023 йилнинг (112,1 %) ўсиш суръати 112,8 % ни ташкил этди, ҳажми эса 116 293,3 млрд сўмга ошди.

Таққослаш учун: 2020 йил январь-сентябрь ойларида хизматлар ҳажми 155 449,5 млрд сўмни, ўсиш суръати эса 101,8 % ни ташкил этди. 2021 йилда юқори ўсиш суръатлари қайд этилди – 119,5 %.

2024 йилнинг ҳисобот даврида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг ўсиш омили яшаш ва овқатланиш хизматлари (26 067,8 млрд сўмга), транспорт хизматлари (21 192,9 млрд сўмга), молиявий хизматлар (20 545,0 млрд сўмга), савдо хизматлари (16 692,8 млрд сўмга) ва алоқа хизматлари (2023 йил январь-сентябрига нисбатан 10 931,7 млрд сўмга) ўсиши билан изоҳланади.

4- БЎЛИМ. ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА КЎРСАТИЛГАН БОЗОР ХИЗМАТЛАРИ

Хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса, ахборот технологиялари, молиявий хизматлар, телекоммуникация ва туризм каби сегментларга катта инвестицияларни жалб қилмоқда. Ўз навбатида, янги рақамли хизматлар ва АТ платформаларининг жорий этилиши иқтисодий жараёнларни тезлаштиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5113-сон қарори билан мамлакат иқтисодиётида хизматлар соҳаси улушини ошириш, хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини ушбу йўналишда янада қўллаб-қувватлаш мақсадида, мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари ва уларнинг мониторинги жорий этилди.

Тармоқлар таснифлагичининг белгиланган халқаро стандартларига ўтиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш Дастурининг мақсадли параметрларига киритилган хизматларнинг асосий турларини гуруҳлаш, G дан S гача бўлган бўлимлар бўйича хизматлар билан боғлиқ бўлган қисм ва иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) Статистик таснифлагичи (МСТ)га кўра мувофиқлаштирилди.

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажми ўсишининг асосий омили молиявий хизматларнинг 20,3 % га ўсиши (кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажми 3,5 пункт ўсишига қўшган ҳиссаси), савдо хизматлари – 11,2 % га (2,2 пункт ўсишига қўшган ҳиссаси), яшаш ва овқатланиш хизматлари – 10,4 % га (2,2 пункт ўсишига қўшган ҳиссаси), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 23,4 % га (1,4 пункт ўсишига қўшган ҳиссаси), транспорт хизматлари – 8,6 % га (1,4 пункт ўсишига қўшган ҳиссаси), таълим соҳасидаги хизматларнинг 15,8 % га (0,6 пункт ўсишига қўшган ҳиссаси) ўсиши билан боғлиқ.

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг ўсишига хизмат турларининг қўшган ҳиссаси (2024 йил январь-сентябрь)



2024 йил январь-сентябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида яшаш ва овқатланиш хизматлари 21,2 % ни, савдо хизматлари – 18,8 %, молиявий хизматлар – 17,3 % ни, транспорт хизматлари – 17,2 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 6,9 %, таълим соҳасидаги хизматлар эса – 3,7 % ни ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг асосий турлари бўйича кўрсаткичлари
(январь-сентябрь)**

Хизмат турларининг номи	Хизматлар ҳажми, млрд сўмда		Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
	2023 й.	2024 й.		
Хизматлар – жами	448 484,4	564 777,7	100,0	112,8
<i>шундан асосий турлари бўйича:</i>				
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	28 022,1	38 953,8	6,9	123,4
молиявий хизматлар	77 063,4	97 608,4	17,3	120,3
транспорт хизматлари	75 899,0	97 091,9	17,2	108,6
<i>шу жумладан: автотранспорт хизматлари</i>				
	36 364,0	46 370,2	8,2	111,9
яшаш ва овқатланиш хизматлари	93 447,4	119 515,2	21,2	110,4
савдо хизматлари	89 673,8	106 366,6	18,8	111,2
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	12 037,8	14 844,0	2,6	113,4
таълим соҳасидаги хизматлар	17 163,1	21 037,1	3,7	115,8
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	9 328,4	11 315,5	2,0	108,6
ижара хизматлари	5 435,4	6 821,4	1,2	104,8
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	6 843,9	8 498,1	1,5	111,4
шахсий хизматлар	8 778,1	11 133,4	2,0	108,7
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	5 846,1	7 364,7	1,3	105,1
бошқа хизматлар	18 945,9	24 227,6	4,3	109,4

Таққослаш учун: 2023 йилнинг таҳлил қилинаётган даврида хизматларнинг умумий ҳажмида яшаш ва овқатланиш хизматлари 20,9 % ни, савдо хизматлари – 20,0 %, молиявий хизматлар – 17,2 % ни, транспорт хизматлари – 16,9 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 6,2 %, таълим соҳасидаги хизматлар – 3,8 % ни ташкил этган.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар

Озиқ-овқат ва ичимликлар билан таъминлаш бўйича хизматлар – озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар етказиб бериш бўйича қўйилган устамадан ташқари, овқат тайёрлашда ишлатилган ва қайта ишланмаган ҳолда сотилган маҳсулотлар қийматини ўз ичига олувчи айланма қийматдир.

Яшаш бўйича хизматлар ҳажми қисқа муддатли турар жой билан таъминлаш бўйича кўрсатилган хизматлар (меҳмонхоналар, отеллар, мотеллар ва бошқа турар жойлар) қийматини ўз ичига олади.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажми ва ўсиши (камайтиши)¹⁾ (январь-сентябрь)



¹⁾ Худудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар таркиби (2024 йил январь-сентябрь, % да)



Худудлар кесимида яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажми ва ўсиши (2024 йил январь-сентябрь)

Тошкент шаҳри	19 468,4	○ +9,3
Самарқанд	12 871,7	○ +9,8
Фарғона	11 960,9	○ +10,8
Наманган	11 855,1	○ +12,0
Қашқадарё	11 129,1	○ +8,3
Тошкент	8 812,6	○ +10,9
Андижон	8 046,9	○ +11,2
Қорақалпоғистон Респ.	7 098,9	○ +11,2
Хоразм	6 662,9	○ +11,7
Бухоро	6 487,8	○ +12,4
Сурхондарё	5 392,2	○ +7,9
Жиззах	3 758,3	○ +11,4
Навобий	3 670,2	○ +9,0
Сирдарё	2 300,0	○ +10,3

■ Ҳажми, млрд сўмда ○ Ўсиши, % да

2024 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 28 682 бирликни ташкил этган бўлса, улардан 28 492 бирлиги кичик тадбиркорлик субъектларидир.

Савдо хизматлари

Савдо хизматлари ҳажми – амалдаги нархлардаги ялпи даромад қиймати, яъни сотилган товарларнинг сотиб олиш ва сотиш нархлари орасидаги фарқининг умумий қиймати сифатида ҳисобга олинади. Агар товарлар бошқа шахс манфаатлари учун олди-сотди шартномалари, комиссиялар ёки агентлик шартномалари асосида сотилган тақдирда хизматлар қиймати мукофот миқдори сифатида акс эттирилади.

Савдо хизматлари ҳажми ва ўсиш суръатлари ¹⁾ (январь-сентябрь)

Чакана савдонинг улуши савдо хизматларини умумий ҳажмининг 55,1 фоизини ташкил этди. Улгуржи савдо хизматларининг улуши 30,8 фоизга етди. Автомобиллар ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси бўйича хизматлар, жумладан, уларни таъмирлаш бўйича хизматларни, улуши 14,1 фоизни ташкил этди.



¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда

Ҳудудлар кесимида савдо хизматлари ҳажми ва ўсиши (2024 йил январь-сентябрь)

Тошкент ш.	37 802,6	◆ +6,2
Тошкент	10 503,3	◆ +15,3
Фарғона	7 889,8	◆ +12,2
Самарқанд	7 368,7	◆ +15,3
Андижон	6 281,8	◆ +12,6
Наманган	5 813,9	◆ +14,0
Қашқадарё	5 784,9	◆ +11,7
Бухоро	5 441,4	◆ +12,2
Сурхондарё	5 251,9	◆ +14,0
Жиззах	3 637,5	◆ +28,5
Қорақалпоғистон Респ.	3 184,9	◆ +17,7
Навоий	3 026,5	◆ +9,6
Хоразм	2 941,6	◆ +13,4
Сирдарё	1 418,3	◆ +9,9


■ Ҳажми, млрд сўмда ○ Ўсиши, % да

2024 йил 1 октябрь ҳолатига кўра хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар таркибида савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар улуши (45,3 % ёки 152 024 бирлик) устунлик қилади, шундан 99,5 % ини (151 265 бирлик) кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил этади.

Молиявий хизматлар

Молиявий хизматлар ҳажми – молиявий воситачилик ҳисобидан олинган фоизли даромадлар ҳажми (хизматлар учун белгиланган тўловлар миқдоридан), шунингдек, молия муассасаси томонидан ссуда бериш ёки депозитни сақлаш бўйича хизматлари учун тўланадиган ҳақ ҳисобига кўра олинади.

Молиявий хизматлар ҳажми ва ўсиш суръатлари (январь-сентябрь)



2024 йилда таҳлил қилинаётган даврда молиявий хизматлар ҳажми 97 608,4 млрд сўмга етди. Уларнинг ўсиш суръати 120,3 фоизни ташкил этди.

Молиявий хизматлар таркибида уларнинг улуши, суғурта ва пенсия хизматларидан ташқари, 87,9 фоизни ташкил этди.

Худудлар кесимида молиявий хизматлар ҳажми (2024 йил январь-сентябрь, млрд сўмда)

Тошкент шаҳри	57 492,4
Фарғона	5 063,6
Андижон	4 040,1
Самарқанд	4 005,9
Тошкент	3 694,3
Бухоро	3 349,8
Қашқадарё	3 129,4
Хоразм	2 959,2
Сурхондарё	2 755,1
Қорақалпоғистон Респ.	2 580,8
Навоий	2 449,3
Наманган	2 365,2
Жиззах	2 084,1
Сирдарё	1 639,2

Молиявий хизматларнинг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 58,9 фоизни ёки 57 492,4 млрд сўмни ташкил этди,

Шунингдек, 2023 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан ушбу худудда энг юкори ўсиш суръати 127,4 фоизга қайд этилди.

Молиявий хизматлар таркиби (2024 йил январь-сентябрь, % да)



Транспорт хизматлари

Транспорт хизматларининг ҳажми – амалдаги нархларда транспорт турлари бўйича транспорт жараёнига (юкларни тушириш ва юклаш ишлари, транспорт-экспедиторлик хизматлари, транспорт хизмати ва бошқалар) бевосита боғлиқ бўлган ташиш ва бошқа фаолиятдан олинган даромад суммаси сифатида аниқланади.

Транспорт хизматлари ҳажми ва ўсиши (камайиши)¹⁾ (январь-сентябрь)

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида транспорт хизматлари ҳажми 97 091,9 млрд сўмга етди, ўсиш суръати 2023 йилнинг шу даврига нисбатан 108,6 % ни ташкил этди. Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмидаги улуши 17,2 % ни ташкил этди.



¹⁾ Худудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда

Транспорт хизматларининг умумий ҳажмида автомобиль транспортининг улуши 47,8 % ни, қувурлар орқали ташиш хизматлари ҳажми – 15,0 % ни ташкил этди. Товарлар ва йўловчиларни ҳаво транспортида ташиш бўйича хизматларнинг улуши 14,3 %, ёрдамчи транспорт фаолияти хизматлари эса 13,1 % даражасида қайд этилди. Ўз навбатида, темир йўл транспорти томонидан кўрсатиладиган хизматлар транспорт хизматларининг умумий ҳажмида 9,8 % ни ташкил этди.

Худудлар кесимида транспорт хизматлари ҳажми ва ўсиши (камайиши) (2024 йил январь-сентябрь)

Худуд	Ҳажми, млрд сўмда	Ўсиши, % да
Тошкент шаҳри	18 842,7	+24,8
Тошкент	6 571,2	+12,1
Самарқанд	6 228,6	+14,3
Фарғона	4 638,3	+10,8
Андижон	3 961,3	+14,6
Бухоро	3 642,3	+9,1
Қашқадарё	3 619,2	+10,4
Наманган	3 184,0	+18,4
Қорақалпоғистон Респ.	2 872,5	+2,8
Хоразм	2 660,4	+11,7
Сурхондарё	2 118,0	+10,2
Навоний	1 674,0	+15,5
Жиззах	1 340,5	+13,1
Сирдарё	713,6	+18,8

■ Ҳажми, млрд сўмда ⚙️ Ўсиши, % да

2024 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, ташиш ва сақлаш билан боғлиқ фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 16 813 бирликни ёки уларнинг умумий сонининг 5,0 % ини ташкил этди, шундан 16 576 бирлиги (98,6 %) кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

Автомобиль транспорти хизматлари

Автомобиль транспорти хизматларига темир йўлда ташишдан ташқари, курукликдаги йўловчи транспортнинг бошқа хизматлари, автомобил транспортида юк ташиш бўйича хизматлар ва кўчиш бўйича хизматлар киради.

Автомобиль транспорти хизматлари ҳажми ва ўсиши ¹⁾ (январь-сентябрь)



¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида автомобиль транспортида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 46 370,2 млрд сўмга етди.

2023 йилга нисбатан ушбу хизматларнинг ўсиш суръати 111,9% ни ташкил этди. Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмидаги улуши 8,2% даражасида қайд этилди.

Ҳудудлар кесимида автомобиль транспорти хизматлари ҳажми ва ўсиши (2024 йил январь-сентябрь)

Тошкент ш.	7 806,2	+8,9
Тошкент	6 060,0	+13,7
Самарқанд	5 571,0	+13,6
Фарғона	4 242,8	+10,3
Андижон	3 770,9	+15,5
Қашқадарё	3 411,6	+12,5
Бухоро	3 304,0	+10,3
Наманган	2 753,2	+16,9
Хоразм	2 473,6	+5,9
Сурхондарё	1 860,7	+11,0
Қорақалпоғистон Респ.	1 642,2	+18,6
Навоий	1 521,1	+16,6
Жиззах	1 286,3	+9,7
Сирдарё	664,5	+18,6

■ Ҳажми, млрд сўмда ■ Ўсиши, % да

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида йўловчи автомобиль транспорти хизматлари улуши 57,0 фоизга етди. Автомобиль транспорти хизматларининг умумий ҳажмида энг катта қисми такси хизматлари ҳиссасига тўғри келади – 46,1%.

Автомобиль транспорти хизматларининг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 16,8 фоизни ёки 7 806,2 млрд сўмни ташкил этди. Қорақалпоғистон Республикасида 2023 йилга нисбатан 118,6 фоизга юқори ўсиш суръатлари қайд этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми амалдаги нархларда мазкур соҳада хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг даромадлари (сотишдан тушган тушум миқдори) йиғиндиси сифатида аниқланади.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми ва ўсиши¹⁾ (январь-сентябрь)



¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 38 953,8 млрд сўм даражасида қайд этилди ва 2023 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 123,4 % ни ташкил этди.

Ушбу хизматларнинг умумий ҳажмида энг катта ҳажми телекоммуникация хизматлари эгаллайди. 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларидаги улуши 38,6 % ни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми ва ўсиши (2024 йил январь-сентябрь)

Ҳудудлар	Ҳажми, млрд сўмда	Ўсиши, % да
Тошкент ш.	27 954,5	+26,1
Фарғона	1 484,3	+12,9
Самарқанд	1 340,8	+18,6
Тошкент	1 190,1	+21,1
Андижон	1 012,7	+15,5
Қашқадарё	944,5	+15,9
Наманган	905,9	+18,6
Сурхондарё	793,5	+16,4
Бухоро	721,4	+16,9
Қорақалпоғистон Респ.	695,9	+18,2
Хоразм	678,1	+23,7
Навоний	443,7	+18,6
Жиззах	414,0	+16,7
Сирдарё	332,6	+16,4

2024 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, “Алоқа ва ахборот” фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар сони 10 432 бирликка етди, шундан 9 998 бирлиги кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида муқобил тўпلامнинг умумий таркибида АКТ хизматлари 89,7 % ни ташкил этди. Ушбу секторда телекоммуникация хизматлари 41,6 % га устунлик қилди. Жорий йилнинг таҳлил қилинаётган даврида дастурий таъминотни нашр қилиш хизматларининг улуши камроқ бўлди. Ушбу хизматлар 3,7 % ни ташкил этди.

**ОАВ, контент ва АКТ хизматлари секторларининг муқобил тўплами
(2024 йил январь-сентябрь)**

<i>Хизмат турларининг номи</i>	<i>Ҳажми, млрд сўмда</i>	<i>Умумий ҳажмдаги улуши, % да</i>
Жами	40 285,3	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
АКТ хизматлари сектори	36 122,2	89,7
<i>шу жумладан:</i>		
Дастурий таъминотни нашр қилиш бўйича хизматлар	2 235,4	6,2
Телекоммуникация хизматлари	15 028,4	41,6
Компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш хизматлари ва бошқа ёрдамчи хизматлар	15 011,8	41,5
Маълумотларга ишлов бериш, жойлаштириш бўйича хизматлар ва ўзаро боғлиқ хизматлар; веб-порталлар	2 515,1	7,0
Компьютерлар ва алоқа ускуналарини таъмирлаш бўйича хизматлар	1 331,5	3,7
Контент ва оммавий ахборот воситалари сектори	4 163,1	10,3
<i>шу жумладан:</i>		
Китоблар, даврий нашрлар нашр қилиш бўйича хизматлар ва бошқа ноширлик хизматлари	619,5	14,9
Кино – видеофилмлар ва телевидение дастурлари ишлаб чиқиш бўйича хизматлар	314,7	7,5
Дастурлар тузиш ва телерадиоэшиттиришлар бўйича хизматлар	974,0	23,4
Бошқа ахборот хизматлари	2 254,9	54,2

Муқобил тўпلامнинг умумий ҳажмида контент ва ОАВнинг улуши 10,3 % ни ташкил этди. Унинг таркибида дастурларни тузиш ва телерадиоэшиттириш билан боғлиқ хизматларнинг улуши 54,2 % га, кино – видеофильмлар ва телевидение дастурлари ишлаб чиқариш бўйича хизматлар 7,5 % га етди.

Таълим соҳасидаги хизматлар

Мазкур секция кундузги ёки сиртқи шаклда, шунингдек, Интернет тармоғи ва почта ёзишмалари орқали давлат томонидан бериладиган ёки хусусий турли даражадаги таълимни ва турли касбларга ўргатишни ўз ичига олади. Бунга турли даражадаги мунтазам мактаб тизими доирасида турли муассасалар томонидан бериладиган таълим, шунингдек, катталар учун таълим (тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари), таълимни қўллаб-қувватлаш фаолияти ва бошқалар кириди.

Таълим соҳасидаги хизматлар фаолиятини амалга оширишда кўрсатилган бозор хизматлари, жумладан, масофавий таълим хизматларини кўрсатиш қиймати (контракт асосида ўқитиш шакли) акс эттирилади.

Таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми ва ўсиши (январь-сентябрь)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми 21 037,1 млрд сўмга етди. 2023 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 115,8 % ни ташкил этган. Таълим соҳасидаги хизматларнинг умумий ҳажмида олий таълим соҳасидаги хизматлар устунлик қилиб, у 48,7 % ни ташкил этди.

Худудлар кесимида таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми (2024 йил январь-сентябрь, млрд сўмда)

Тошкент шаҳри	10 088,2
Самарқанд	1 596,8
Фарғона	1 247,0
Бухоро	1 183,9
Тошкент	1 127,2
Наманган	1 061,6
Андижон	1 061,0
Қашқадарё	771,7
Сурхондарё	683,9
Қорақалпоғистон Респ.	674,0
Хоразм	544,6
Навой	413,5
Жиззах	382,4
Сирдарё	201,3

Худудлар орасида таълим соҳасидаги энг катта ҳажм Тошкент шаҳрига тўғри келади. 2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида мазкур ҳудудда ушбу турдаги хизмат ҳажми 10 088,2 млрд сўмга етди ёки таълим соҳасидаги хизматлар умумий ҳажмининг 48,0 фоизига етди.

Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар

Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларни кўрсатишда кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар бўйича хизматлар қиймати, корхонанинг шахсий, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқарувидаги, шунингдек, ижарага олинган кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлари акс эттирилади.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар ҳажми 14 844,0 млрд сўмга етди. Хизматларнинг умумий ҳажмидаги улуши 2,6 % ни ташкил этди.

Ушбу хизматларнинг умумий ҳажмида шахсий ёки ижарага олинган кўчмас мулкни ижарага бериш ва бошқариш бўйича хизматлар улуши устунлик қилади – 67,8 %.

Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар ҳажми ва ўсиши (камайиши) ¹⁾ (январь-сентябрь)



¹⁾ Худудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда

Худудлар кесимида кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар ҳажми ва ўсиши (2024 йил январь-сентябрь)

Тошкент шаҳри	8 930,1	+13,9
Тошкент	1 065,8	+12,3
Самарқанд	750,0	+15,2
Фарғона	637,3	+14,0
Андижон	508,5	+9,0
Қашқадарё	478,6	+12,1
Наманган	434,9	+8,8
Сурхондарё	369,4	+9,9
Бухоро	359,3	+5,9
Хоразм	326,1	+11,8
Қорақалпоғистон Респ.	320,5	+13,3
Навоий	256,3	+27,5
Жиззах	230,9	+20,9
Сирдарё	166,5	+9,8

■ Ҳажми, млрд сўмда 🏠 Ўсиши, % да

Худудлар ўртасида кўчмас мулк билан боғлиқ кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 60,2 % ни ташкил этди. Сирдарё вилоятида ушбу хизматлар умумий ҳажмининг 1,1 % ини ташкил этди.


Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми бу – соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан турли хил тиббий ёрдам ва санитария хизматлари учун кўрсатиладиган бозор хизматларининг қийматидир.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми 11 315,5 млрд сўмга, яъни, кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг 2,0 % ига етди. 2023 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 108,6 % ни ташкил этди.

Таққослаш учун: 2020 йилнинг ҳисобот даврида ушбу хизматлар ҳажми 2 315,4 млрд сўмга тенг бўлган.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми ва ўсиши (камайиши) (январь-сентябрь)



Худудлар кесимида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми ва ўсиши (2024 йил январь-сентябрь)

Тошкент шаҳри	5 295,7	+7,1
Тошкент	1 192,8	+10,7
Самарқанд	806,7	+18,7
Фарғона	729,5	+0,2
Наманган	532,5	+9,7
Андижон	497,1	+14,8
Бухоро	402,6	+10,7
Қашқадарё	383,6	+9,2
Хоразм	348,4	+10,9
Сурхондарё	280,7	+8,2
Жиззах	266,8	+5,9
Навоий	195,2	+5,1
Сирдарё	192,1	+4,3
Қорақалпоғистон Респ.	191,8	+15,8

■ Ҳажми, млрд сўмда ◆ Ўсиши, % да

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар умумий ҳажмининг салмоқли қисмини шифохона муассалари хизматлари эгаллайди – 30,5 фоиз.

2024 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот соҳасида хизмат кўрсатувчи фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 11 196 бирликни ташкил этди, шундан 9 674 бирлиги кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

Ижара хизматлари

Ижара хизматлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми машиналар ва асбоб-ускуналарни операторларсиз ижарага бериш, маиший жиҳозлар ва шахсий эҳтиёж буюмларини ижарага беришдан олинган даромад миқдори сифатида аниқланади.

Ижара хизматлари ҳажми ва ўсиши (камайиши) ¹⁾ (январь-сентябрь)



¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида ижара хизматлари ҳажми 6 821,4 млрд сўмга етди.

Ўсиш суръати 104,8 % ни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида ижара хизматлари ҳажми (2024 йил январь-сентябрь, млрд сўмда)



Ҳудудлар орасида ижара хизматларининг энг катта ҳажми Тошкент шаҳрига тўғри келади. 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида мазкур ҳудудда ушбу турдаги хизматлар ҳажми 2 396,1 миллиард сўмни ёки ижара хизматлари умумий ҳажмининг 35,1 фоизини ташкил этди. Сирдарё вилоятида 2023 йилга нисбатан 117,9 фоиз юқори ўсиш суръатлари кайд этилди.


Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмида ижара хизматларининг энгил автомобиллар ва энгил автотранспорт воситаларини ижарага бериш хизматлари катта улушга эгадир – 54,6 %.

Ҳуқуқ ва бухгалтерлик ҳисоби соҳасидаги хизматлар

Ҳуқуқ ва бухгалтерия соҳасидаги хизматлар ҳажми – бу ҳуқуқ соҳасидаги бозор хизматларидан, мижозларга уларнинг қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа ҳуқуқий хизматлар бўйича маслаҳат беришдан, шунингдек бухгалтерия китобларини юритишдан, бухгалтерлик ҳисоби ва аудит, солиқ декларацияларини тайёрлашдан олинган даромадлар миқдори демакдир.

Ҳуқуқ ва бухгалтерлик ҳисоби соҳасидаги хизматлар ҳажми (январь-сентябрь, млрд сўмда)

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида ҳуқуқ ва бухгалтерлик ҳисоби соҳасида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 1 507,8 млрд сўмни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан ўсиш суръати 120,0 фоиз даражасида қайд этилди.



Худудлар кесимида ҳуқуқ ва бухгалтерлик ҳисоби соҳасидаги хизматлар ҳажми (2024 йил январь-сентябрь)



Ушбу хизматлар ҳажмининг салмоқли қисми Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келди, унинг ҳуқуқ ва бухгалтерлик ҳисоби соҳасида кўрсатилган хизматлар жами ҳажмидаги улуши 83,8 фоиз ёки 1 263,7 млрд сўмни ташкил этди.

Сирдарё вилоятида ҳуқуқ ва бухгалтерлик ҳисоби соҳасидаги хизматлар ҳажми 3,3 млрд сўм даражасида қайд этилди.

Аҳоли жон бошига ҳуқуқ ва бухгалтерлик ҳисоби соҳасидаги хизматлар


Ҳуқуқ ва бухгалтерлик хизматлари корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар учун ҳуқуқий ва молиявий барқарорликни таъминлашда асосий роль ўйнайдиган муҳим профессионал хизматлар мажмуасини ифодалайди.

Аҳоли жон бошига ҳуқуқ ва бухгалтерлик ҳисоби соҳасидаги хизматлар ҳажми (январь-сентябрь, минг сўмда)



Юридик ва бухгалтерия хизматлари замонавий бизнес ва жисмоний шахслар ҳаётида асосий роль ўйнайди, ҳуқуқий ҳимоя ва молиявий шаффоликни таъминлайди.

Худудлар кесимида аҳоли жон бошига ҳуқуқ ва бухгалтерлик ҳисоби соҳасидаги хизматлар ҳажми (2024 йил январь-сентябрь, минг сўмда)



2024 йил январь-сентябрь ойларида Тошкент шаҳрида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳуқуқ ва бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги хизматлар ҳажми 411,9 минг сўмга етди. Шунингдек, Навоий (16,6 минг сўм) ва Тошкент (12,4 минг сўм) вилоятларида нисбатан юқори кўрсаткич қайд этилди.

Сурхондарё вилоятида эса бу кўрсаткич ўртача 2,1 минг сўмни ташкил этди.

Ҳуқуқ ва бухгалтерлик хизматлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, тижорат жараёнларининг самарадорлиги ва қонунийлигига умумий таъсир кўрсатади. Ушбу соҳаларда турли хил эксперт ёрдами корхоналарнинг муваффақиятли фаолият юритишига ёрдам беради ва уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлайди.

Юридик хизматлар

Юридик хизматлар – бу ҳуқуқий характердаги хизматлар, шу жумладан маслаҳат ва тушунтиришлар бериш, ҳужжатларни тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш, судларда буюртмачиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Юридик хизматлар ҳажми фуқаролик, жиноий ишларда, меҳнат тортишувларида маслаҳат хизмати кўрсатиш ва вакиллик қилишни, шунингдек, юридик ҳужжатларни тайёрлаш, суд ижрочилари, ҳакамлик судьялари, инспекторлар ва судьяларнинг хизматлари, судларда ва бошқа суд органларида адвокатлар коллегиясининг аъзолари бўлган ёки уларнинг назорати остидаги шахслар томонидан юридик вакиллик ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кўрсатилган бозор хизматлари нархини ўз ичига олади.

2024 йил январь-сентябрь ойларида юридик хизматларнинг ҳуқуқ ва бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги жами хизматлар ҳажмидаги улуши 31,7 % ёки 477,6 млрд сўмни ташкил этди.

Юридик хизматлар ҳажми (январь-сентябрь, млрд сўмда)



Худудлар кесимида юридик хизматлар ҳажми (2024 йил январь-сентябрь, млрд сўмда)



Худудлар орасида ушбу хизмат турига Тошкент шаҳрида талаб юқори. Ушбу худудда кўрсатилган хизматлар ҳажми 357,4 млрд сўмга етди ёки юридик хизматлар жами ҳажмининг 74,8 фоизини ташкил этди.

Бунинг сабаби шундаки, шаҳарларда аҳоли зичлиги, кўпроқ тижорат ва фуқаролик операциялари ва ҳуқуқий низолар сонининг кўпайиши туфайли юридик хизматларга талаб сезиларли даражада ошади.

Аҳоли жон бошига юридик хизматлар

Жамоатчилик ва тижорат фаолияти асосан юридик хизматларнинг самарадорлиги ва профессионаллигига боғлиқ. Улар жамият ва ташкилотларнинг барқарор ривожланиши учун шароит яратиб, ҳуқуқий барқарорлик, адолат ва қонунларга риоя қилишни таъминлайди. Улар ҳуқуқий барқарорликни қўллаб-қувватлайди, адолатни таъминлайди ва қонунларга риоя қилади, нафақат корхона ва ташкилотларнинг, балки аҳолининг иқтисодий фаровонлигини барқарор ривожлантириш учун асос яратади.

Аҳоли жон бошига юридик хизматлар ҳажми (январь-сентябрь, минг сўмда)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига юридик хизматлар ҳажми ўртача 12,9 минг сўмни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига юридик хизматлар ҳажми (2024 йил январь-сентябрь, минг сўмда)



2024 йил январь-сентябрь ойларида Тошкент шаҳрида аҳоли жон бошига тўғри келадиган юридик хизматлар ҳажми 116,5 минг сўмга етди.

Хоразм (7,9 минг сўм) ва Тошкент (5,4 минг сўм) вилоятларида нисбатан юқори кўрсаткич қайд этилди.

Қонун устуворлиги, адолат ва манфаатлар ҳимоясини таъминлаш орқали юридик хизматлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётда муҳим ўрин тутади, ҳаётнинг турли жабҳаларида барқарорлик ва бардошлиликни таъминлашга хизмат қилади.

Компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар

Компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар ҳажми бу – компьютерлар ва периферик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, коммуникация ускуналари (факслар, радиостанциялар)ни таъмирлаш, маиший электроника (радиоприёмниклар ва телевизорлар), уй ва боғ учун ускуналар (газон ўрувчи ва ҳаво (дам) берувчи машина), пойабзал ва чарм буюмлар, мебель ва уй жиҳозлари, кийим ва аксессуарлар, спорт анжомлари, мусиқа асбоблари ва бошқа шахсий буюмлар ва маиший товарларни таъмирлашдан тушган тушум миқдоридир.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар ҳажми 8 498,1 млрд сўм даражасида қайд этилди ва 2023 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 111,4 % ни ташкил этди.

Худудлар орасида ушбу хизмат турига Тошкент шаҳрида талаб кўпроқдир. Бу худудда хизматлар ҳажми 1 075,3 млрд сўмга етди.

Компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар ҳажми ва ўсиши (камайтиши) ¹⁾ (январь-сентябрь)



¹⁾ Худудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда

Худудлар кесимида компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар ҳажми ва ўсиши (2024 йил январь-сентябрь)

Тошкент шаҳри	1 075,3	+16,5
Самарқанд	1 001,6	+11,5
Фарғона	863,0	+10,7
Тошкент	856,0	+9,3
Қашқадарё	806,9	+10,8
Наманган	670,2	+8,1
Андижон	597,7	+10,4
Хоразм	580,3	+10,4
Қорақалпоғистон Респ.	488,5	+12,2
Бухоро	460,2	+15,9
Сурхондарё	450,5	+11,0
Жиззах	286,8	+9,2
Навоий	206,8	+5,9
Сирдарё	154,2	+14,0

■ Ҳажми, млрд сўмда ◆ Ўсиши, % да

**Меъморчилик, муҳандислик изланишлари,
техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар**

Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар ҳажми шартномада назарда тутилган талабларга мувофиқ лойиҳалар, изланишлар, конструкторлик ва технологик ишлар ва кўрсатилган хизматлар, шунингдек, қурилиш ишлари устидан назорат ва бошқа инженерлик хизматларининг қийматини ўз ичига олади.

**Меъморчилик соҳасидаги хизматлар ҳажми ва ўсиши (камайиши)
(январь-сентябрь)**



**Ҳудудлар кесимида меъморчилик соҳасидаги хизматлар ҳажми
(2024 йил январь-сентябрь, млрд сўмда)**

Тошкент шаҳри	4 333,2
Тошкент	557,6
Навоий	499,2
Самарқанд	374,0
Қашқадарё	235,9
Сурхондарё	187,7
Фарғона	186,5
Андижон	174,9
Хоразм	166,6
Қорақалпоғистон Респ.	165,3
Наманган	163,2
Бухоро	144,7
Жиззах	128,8
Сирдарё	47,1

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар ҳажми 7 364,7 млрд сўмни ташкил этди.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматларнинг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 58,8 % ни ташкил этди.

Сўнги пайтларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини фаол ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, бу таркибий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодий диверсификациялашнинг асосий омилларидан бири бўлди. Ушбу сектор аҳоли бандлигини ошириш, даромадларни ошириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга катта ҳисса қўшади, шунингдек, мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажмида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги бозор нархлари бўйича қўшилган қиймат солиғи ва акцизсиз ҳисобланган тўловлар ҳисобга олинади.

Хизматлар олди-сотди объекти сифатида чиққанда ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган (хизматларни ишлаб чиқувчининг сарф-харажатларини тўлалигича ёки сезиларли даражада қоплайдиган) нархларда сотилганда, **бозор учун кўрсатилган бозор хизматлари** ҳисобланади.

“Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми” статистик кўрсаткичи – маълум бир вақт давомида кўрсатилган хизматлар қийматини ўлчовчи, истеъмолчиларга (юримдик ва жисмоний шахслар, норезидентларни қўшган ҳолда) кўрсатилган хизматлар қийматини акс эттиради.

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми бу – хизматлар кўрсатишга ихтисослашган ва хизмат кўрсатиш асосий фаолият тури ҳисобланадиган барча хизматлар кўрсатувлари (юримдик ва жисмоний шахслар) томонидан кўрсатилган бозор хизматлари қийматидир.

Истеъмолчилар томонидан хизматлар учун тўловлар нақд пул, шу жумладан, пластик карточкалар ва пул ўтказиш, электрон тўловлар ва электрон пуллар орқали амалга оширилиши мумкин.

Норезидентларга кўрсатилган хизматлар (агар тўлов сўмда амалга оширилмаган бўлса), хизматларга тўловларни амалга ошириш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан сўмнинг белгиланган курси бўйича қайта ҳисобланган шартнома нархларига кўра аниқланади.

Тўлов хизматлари бозори – тўлов хизматларини кўрсатиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек тўлов воситаларини чиқариш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар мажмуи.

Электрон пуллар – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пуллар эмитентлари томонидан чиқариладиган пуллар бўлиб, фақат Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида номланиши лозим.

Фаолият турлари бўйича хизматларни таснифлаш, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичига (кейинги ўринларда МСТ деб аталади) мувофиқ амалга оширилади.

Бозор хизматлари ҳажми МСТ бўйича таснифланган барча иқтисодий фаолият турларининг хизматларга тегишли қисми (G-S секциялар) бўйича шакллантирилади.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари алоқа соҳасидаги хизматларни, шу жумладан телефон, телекс, телеграф, радиоэшиттириш, электрон почта, суний йўлдош, факсимиле ва бошқаларни ишлатиб, овозли маълумот, тасвир ва бошқа ахборот оқимларини узатиш хизматларини қамраб олади.

Молиявий хизматлар Марказий банк, тижорат банклари ва бошқа молия-кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилади. Бу гуруҳ хизматларга банкларнинг молиявий воситачилиги хизматлари (молиявий лизинг, кредит бериш), шу жумладан, масофавий банк хизматлари (интернет-банкнинг, мобил-банкнинг), инвестиция фондлари ва бошқа молиявий ташкилотларнинг молиявий воситачилиги, молия бозорлари (фонд ва валюта биржалари) фаолиятининг ёрдамчи молиявий воситачилиги ва бошқа молиявий хизматлар кирди.

Транспорт хизматлари транспортнинг барча турларида юкларни ва йўловчиларни ташиш фаолияти, шунингдек, транспортировка қилишда ёрдамчи хизмат турлари, жумладан, логистик хизматларни ўз ичига олади.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар меҳмонхоналар, отеллар, мотеллар ва бошқа яшаш учун жойлар каби қисқа муддатли турар жой билан таъминлаш ва озик-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматларни ўз ичига олади.

Савдо хизматлари улгуржи ва чакана хизматларни бирлаштириб, шунингдек, бошқа шахс манфаатлари учун товарларни олди-сотди шартномалари, комиссиялари ёки агентлик шартномалари асосида сотилган воситачилик хизматлари ҳамда автомобил ва мотоциклларни таъмирлаш хизматларини ўз ичига олади.

Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларни кўрсатишда кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар бўйича хизматлар қиймати, корхонанинг шахсий, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқарувидаги, шунингдек, ижарага олинган кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлари, ушбу фаолият ташкилотнинг асосий фаолияти ёки йўқлигидан қатъий назар акс эттирилади.

Таълим соҳасидаги хизматлар олий, ўрта махсус, касб-ҳунар, умумтаълим, мактабгача таълим давлат муассасаларида тижорат асосида таълим олишни, шунингдек, радио ва телевидение, Интернет-каналлар ва почта алоқаларини қўшган ҳолда ҳар қандай даражадаги хусусий таълим олиш ва хоҳлаган касбга ўқишни қамраб олади.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар стационар шифохона муассасалари, поликлиникалар, стоматология муассасалари ва тиббий лабораториялар томонидан пуллик асосида кўрсатилган комплекс хизматларни қамраб олади.

Ижара хизматлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми машиналар ва асбоб-ускуналарни операторларсиз ижарага бериш, маиший жиҳозлар ва шахсий эҳтиёж буюмларини ижарага беришдан олинган даромад миқдори сифатида аниқланади.

Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар ҳажми шартномада назарда тутилган талабларга мувофиқ лойиҳалар, изланишлар, конструкторлик ва технологик ишлар ҳамда кўрсатилган хизматлар, шунингдек, қурилиш ишлари устидан назорат ва бошқа инженерлик хизматларининг қийматини ўз ичига олади.